

Замоннинг оинаи жахоннамози бўлган жарида, мажалла ва тарих саҳифаларини диққат ила мутолаа этсак кўрарамизким, ўзга қавм ва миллатлар илм ва ҳунар хосияти ила оз бир замонда бутун жаҳонни тасхир этдилар. Мусулмон ҳукмдорлари (ўзларининг замон иқтисосинча ҳаракат қилмагонлари учун) асир ва нобуд бўлдилар. Оврупоийлар ҳозирда билган илмларига қаноат қилмай гайрат ва ҳимматлари соясида кундан-кун яна тараккий этмоқцадирлар. Ўзларининг роҳат ва осойишлари учун на қадар олот ва асбоб ихтиро қилганларидек, ўз нафсларини душмандин муҳофаза қилмоқ учун турли олоти ҳарбия ижод этмақдадурларким, аларнинг орасида ояндага энг муҳими - айруплан - тайёра деган балои осмоний бўлса керак. Агарда яна 5-10 йил ўлмасак кўрарамизким: оврупоийлар душман ила ҳавода уруша бошларлар. Эмди ўзимизнинг аҳолимизга бир йўла кўз солиб қарасак: Қуръони ҳикмат баёнимизнинг алфозини аъмоларнинг кўнглида маҳфуз кўрарамиз. Маориф нуқтаи назаридан қарасак, Зайд ила Амрнинг уруши ва эски юнонийдардин қолма ҳилофи исломият сафсаталардек нимарсаларни кўриб қамоли ҳузун ва йаъс ила айтарамизким: «Ох!.. Таассуфлик холатдамиз».

*«Ойна» журнали, 1914 йил, 29-сон*